

А Ж Р И М

(жиноят ишени тарафларнинг ярашганлиги
муносабати билан тугатиш тўғрисида)

2026 йил февраль ойининг 17 куни, жиноят ишлари бўйича Паркент туман суди ўз биносига, очиқ суд мажлисига, раислик қилувчи Ф.Хайитов, К.Бўрибоевнинг баённома юритувида, тарафлардан Паркент туман прокурорининг ёрдамчиси Г.Рўзикулова, судланувчининг ҳимоячиси Б.Акрамов, жабрланувчи С.У. ва судланувчи К.Қ.нинг иштирокида,

_____ куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати тожик, судланмаган, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали 3 нафар фарзанди бор, _____

_____ -уйда яшовчи, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 30 декабрь куни олган, эҳтиёт чораси сифатида 2025 йил 28 декабрь куни “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” қўлланилган **Қ.Қ.У.**га нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан кўзғатилган 1-1112-2601/33-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, судланувчи ҳамда жабрланувчи берган аризаларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи К.Қ. 2025 йил 20 ноябрь куни соат тахминан 18-00ларда маст ҳолда ва транспорт воситасини бошқариш учун тегишли ҳужжатларга эга бўлмасдан “CHANGAN SC 1027SB” русумли давлат рақами _____ бўлган автомашинасини Паркент тумани, Шампан маҳалласи ҳудудидан ўтувчи Шампан-Санганак йўлини Шампан йўналишида ҳаракатланиб кетаётиб, амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 3 банди “Йўл ҳаракати қатнашчилари «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, ушбу Қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт”лиги кўрсатилган, 4 банди яъни “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак”лиги кўрсатилган, 12 банди яъни “Транспорт воситасини спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кучли таъсир қилувчи моддалар таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш тақиқланган”лиги кўрсатилган, 77 банди 2-қисми яъни “Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак”лиги кўрсатилган, 135-банди 3-қисми яъни “Кўзи камашган ҳайдовчи авария ишораларини ёқиши, ҳаракатланиш бўлагини ўзгартирмасдан тезликни камайтириши ва тўхташи керак”лиги ҳақидаги талабларни бепарволиги оқибатида бузиб, йўлнинг марза қисмида тўхтаб турган ҳайдовчи С.У.нинг бошқарувидаги “Кобалт” русумли давлат рақами _____ бўлган



автомашинасининг орқа қисмига урилиши натижасида ҳайдовчи С.У. ушбу икки автомашина тўқнашган оралиқда қолиб оғир шикаст олишига сабаб бўлган транспорт воситаларини бошқариш қоидаларини бузишда ифодаланган жиноятини содир қилган.

Судда судланувчи К.Қ. айбига тўлиқ иқрор эканлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган жиноятнинг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчи билан ярашганини, уларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлиги ва ҳозирги кунга келиб улар билан бирор-бир тазйиксиз ярашиб олганлигини билдириб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини тугатишни сўради.

Судда жабрланувчи С.У. ўз кўрсатувида судланувчи К.Қ.га ҳозирги кунда ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, у билан ярашганлигини, ўзига етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, ҳеч ким унга тазйиқ ўтказмаганини, ярашув ихтиёрий бўлганлигини баён қилиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд, жабрланувчининг ярашув ҳақидаги аризасини муҳокама қилиб, тарафларнинг аризаларини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Жиноят кодексининг 66¹-моддаси 1-қисмида, ушбу Кодекснинг 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги, ушбу модданинг 2-қисмида эса, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилинмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисмига кўра, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 1-бандида, ярашув институти жинойий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлиши, 2-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда жиноят натижасида етказилган зарар бартараф этилганлиги (ёки жабрланувчининг зарардан воз кечганлиги) ва ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимос кўрсатилган бўлиши лозимлиги, ярашув тўғрисида иш юритиш масаласини кўзғатиш ҳуқуқига қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) деб топилган шахс ёки унинг қонуний вакили эга эканлиги, 3-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда тирок этишга жалб қилинган пайтдан бошлаб, суд мажлисида эса жиноят



ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхона (алоҳида хона)га киргунга қадар берилиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, кайд этиб ўтилган қонун талабларига ҳамда Пленум қарори билан бирилган тушунтиришларга риоя қилиб, судланувчи К.Қ. муқаддам судланмаганини, ўз айбига иқрорлик билдиргани, жабрланувчи билан ихтиёрий равишда ярашгани, содир этган қилмишнинг оқибатларини англаб, етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ бартараф этгани, жабрланувчи ёки судланувчига тазйиқ бўлганлиги ҳолати аниқланмагани ҳамда судланувчи ҳам, жабрланувчи ҳам ярашувга розилик билдирганликларини инобатга олиб, жиноят ишини судланувчининг айблилиги ҳақидаги масала ҳал қилмасдан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни ҳамда уни жавобгарликдан озод қилишни ҳамда жабрланувчига ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу жиноят иши ярашувга асосан тугатилганидан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишларини тушунтиришни;

К.Қ.га қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

жабрланувчи С.У. ҳамда судланувчи К.Қ.га мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисми, 583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

а ж р и м қ и л а д и :

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган **Қ.Қ.У.** жиний жавобгарликдан озод этилсин ва унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига асосан иш юритишдан тугатилсин.

К.Қ.га қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи С.У. ҳамда судланувчи К.Қ.га мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан судланувчи ва жабрланувчи ўн сутка ичида Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят бериши, прокурор хусусий тартибда протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

Ф.Ҳайитов

